

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВА ФЕРУЗА МЕДЕТОВНА

**ТАЛАБАЛАРНИНГ ШАХСИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ БИЛАН КАСБИЙ
КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДАГИ
УЙҒУНЛИГИ
(фармацевт ходимларни тайёрлаш мисолида)**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on Sociological Sciences**

Ахмедова Феруза Медетовна

Талабаларнинг шахсий фазилатлари билан касбий кўнималарини
шакллантириш жараёнидаги уйғулиги.....3

Ахмедова Феруза Медетовна

Процесс гармонизации формирования личностных и профессиональных
качеств студентов.....23

Akhmedova Feruza Medetovna

The process of harmonization of the formation of personal and
professional qualities of students.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВА ФЕРУЗА МЕДЕТОВНА

**ТАЛАБАЛАРНИНГ ШАХСИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ БИЛАН КАСБИЙ
КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДАГИ
УЙҒУНЛИГИ
(фармацевт ходимларни тайёрлаш мисолида)**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Sots29 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сахифасида (www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бекмуродов Мансур Бобомуродович
социология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Матибаев Ташпулат Болтабаевич
социология фанлари доктори, профессор

Норқулов Сухроб Дўстмуродович
фалсафа фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд Давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси хузуридаги DSc.20/30.12.2019.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____»
куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «_____» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.М.Содикова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, социология фанлари доктори, профессор

Б.Ш.Каримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, социология фанлари номзоди, доцент

А.О.Умаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий Семинар раиси, социология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Жаҳонда глобал бозор иқтисодиётига ўтиш таълим самарадорлигини таъминлаш бўйича янги муаммоларни келтириб чиқармоқда, уларнинг энг асосийси инсон ресурсларидан самарали фойдаланишдир. Шу муносабат билан дунёнинг барча олий ўкув юртларида бўлажак мутахассисларни тайёрлаш сифатига янги талаблар қўйилмоқда. Ўкув жараёнининг услублари, ёндашувлари ва тизими тубдан ўзгармоқда. Бу бўлажак фармацевт ходимларда инсонпарварлик қадриятларини таркиб топтириш, коммуникатив ва деонтологик маданиятни ривожлантириш, инновацион ёндашувлар асосида бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг социологик ўзига хосликларини аниқлаштириш лозим эканлигини кўрсатади.

Дунёда талаба ёшларнинг шахсий фазилатлари билан касбий кўникмаларини шакллантириш юзасидан қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, талабаларнинг профессио, психо, акмеограммасини ишлаб чиқиш, ижтимоий-гуманитар ва мутахассислик фанларининг имкониятларини интеграциялашга, касбий салоҳият ижодий мазмунини ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқитишининг инновацион методларини қўллашнинг аҳамияти, талабаларнинг ижодий ривожланиши учун шароитлар яратиш, ёшларда билим ва кўникмалардан ҳаётни ташкил қилиш воситаси сифатида амалий фойдаланишни ўргатиш, фармацевтика олий таълим муассасалари талабаларида шахсий йўналганликнинг социологик жиҳатларини ҳисобга олиш асосида касбий сифатларини ривожлантириш, бўлажак фармацевт ходимларнинг касбий мослашувига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаштириш заруратини илгари сурмоқда.

Мамлакатимизда малакали ходимларни тайёрлашда таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш, таълим мазмунини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, бўлажак мутахассислар тайёрлаш жараёнини амалиёт билан уйғунлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуг мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим»¹. Шу маънода бўлажак мутахассисларининг шахсий фазилатлар билан касбий кўникмаларни шакллантириш жараёнини уйғунлаштиришнинг объектив ва субъектив элементларини қиёсий таҳлил этиш, талабаларнинг шахсий фазилатлар билан касбий кўникмаларни шакллантириш жараёнини уйғунлаштиришда меҳнат бозори талаблари асосида ходимлар тайёрлаш ишларини такомиллаштириш илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2020 йил 29 декабрьдаги Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 22 февралдаги ПФ-5667-сон «Социологик тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида», 2019 йил 27 августдаги ПФ-5789-сон «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог ходимларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий ўқув юртларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббий ва фармацевтика таълими ва фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ўрганишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларга мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тиббиёт ва доришунослик дунёдаги энг қадимий соҳалардан саналиб, бу соҳа фанлараро уйғунлашуви уларнинг амалий интеграцияси асосида ривож топиб келмоқда. Бу борада Гераклит, Гиппократ, Платон, Аристотель ва бошқа ўнлаб қадимги антик дунё мутафаккирлари мазкур соҳада ҳам назариётчи, ҳам амалиётчи сифатида қатор асарлар яратишган. Мазкур соҳа қадимги Хитой ва Ҳиндистонда ҳам чукур ўрганилган. Муайян қасб-ҳунар устаси бўлиш учун шахсий фазилатлар билан қасбий кўникмаларни уйғунлашган ҳолда шакллантиришни ҳисобга олиш зарурлиги Марказий Осиё мутафаккирларининг социологик қараашларида ўз аксини топган. Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Абулқосим Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур каби буюк мутафаккирларимиз ижоди ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий тарбиясининг муҳим манбаларидир.

Мамлакатимиз олимлари М.Бекмуродов, Ш.Содиқова, А.Умаров, А.Қаҳҳоров, А.Холбеков, О.Абдуазимов, М.Ганиева, Т.Матибаев, Н.Алиқориев, А.Сеитов, К.Каланов, Б.Фарфиев, Н.Латипова, А.Аликориева, У.Собироваларнинг тадқиқотларида таълимни ўрганишда жамоатчилик фикри, инсон капитали ҳамда ментал омиллар таъсири, таълимда авлодлараро ворисийлик ва катта авлоднинг роли, таълимда тизимли

ёндашув муаммолари, таълим олишда мутолаанинг роли, эмпирик социологик тадқиқотларни ва фармацевтика соҳасининг таълимга оид масалалари йўналишларида Э.Ташмуҳамедов, А.Юнусхўжаев, Х.Зайнутдинов ва Ш.Умаровалар, тадқиқ этган.

Хорижлик олимларнинг, хусусан, Г.Спенсер, Э.Дюргейм, М.Вебер, Т.Парсонс, Д.Дьюининг асарларида таълим социологиясига оид концептуал асослар ёритиб берилган². МДҲ олимларининг, жумладан, В.Губарев, В.Собалёв, Э.Мишенко, Н.Лебедева, Н.Никитина, Н.Голикова Т.Савина, Л.Шукил, Г.Абакасоваларнинг тадқиқотларида фармацевтика соҳасидаги таълимга оид масалалари тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда ўкув жараёнини ва талабаларнинг касбий ва шахсий компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, талабаларнинг шахсий ва касбий фазилатларини уйғун ҳолда шакллантиришни тадқиқ этиш масаласи, фармацевтика соҳасидаги таълим жараёнига оид қатор долзарб масалалар етарлича социологик таҳлил қилинмаган. Бу эса, талабаларнинг шахсий фазилатлари билан касбий кўникмаларини шакллантириш жараёнидаги уйғунлиги масаласини социологик таҳлил этишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-2017093020 «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва прогнозлаштиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш ва комплекс дастурини яратиш» мавзусидаги амалий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларнинг шахсий фазилатлари билан касбий кўникмаларини шакллантириш уйғунлигини таъминлашга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълимда бўлажак мутахассисларнинг шахсий фазилатлар билан касбий кўникмаларини шакллантириш жараёнини уйғунлаштириш омили мөҳиятини тизимли тадқиқ этиш;

мутахассислар тайёрлашда шахсий фазилатлар билан касбий кўникмаларни шакллантириш жараёнини уйғунлаштиришнинг объектив ва субъектив элементларини қиёсий таҳлил этиш;

талабаларнинг шахсий фазилатлар билан касбий кўникмаларини шакллантириш жараёнини уйғунлаштиришда меҳнат бозори талаблари асосида ходимлар тайёрлаш ишларини яхшилаш имкониятларини тадқиқ этиш;

замонавий шароитда бўлғуси мутахассисларнинг касбий ва шахсий фазилатларини уйғунлаштиришда ментал ва худудий таъсир жараёнларини тадқиқ этиш;

² Мазкур мутафаккирлар, олим ва тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» да келтирилган.

бўлажак мутахассисларнинг шахсий фазилатлари билан касбий кўникмаларини шакллантириш жараёнини уйғунлаштириш борасидаги миллий ва жаҳон тажрибасини қиёсий ўрганиш;

ўқув жараёнида келажак мутахассисларининг шахсий фазилатлар билан касбий кўникмаларини шакллантириш жараёни уйғунлигини такомиллаштириш бўйича асосланган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг обьекти юртимиздаги бўлажак фармацевтларнинг шахсий фазилатлари билан касбий кўникмаларини шакллантириш уйғунлигининг социологик таҳлили

Тадқиқотнинг предметини талабаларда шахсий фазилатлар билан касбий кўникмаларини уйғунликда шакллантиришнинг ижтимоий, касбий ва маънавий омиллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тузилмали-функционал таҳлил, контент-таҳлил, анкета, эксперт баҳолаш, интервью каби социологик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

таълим тизимида мутахассисларнинг шахсий фазилатлари билан касбий кўникмаларини уйғунлаштириш жараёнида талабаларнинг ментал ва этномаданий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда дифференциаллашган гурухларга бўлиб шакллантиришнинг афзаликлари асосланган;

бўлажак касб эгаларида шахсий фазилатлар билан касбий кўникмаларни шакллантиришда компетенциявий ёндашув орқали маҳсус ва электив курслар (фармацевтик социология, фармакопсихология, фармацевтик этика, тиббиёт социологияси)ни мақсадли таълим тизимига идентификациялаш йўллари ишлаб чиқилган;

мехнат бозори талаблари асосидаги замонавий талабларга жавоб берадиган рақобатбардош фармацевтик ходимлар тайёрлаш самарадорлигини оширишнинг социологик имкониятлари (мақсадни белгилаш, мотивациялаш, ижтимоий фаоллик, саломатлик, соғлом турмуш тарзи, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга интилиш) аниқланган;

талабаларда касбий ва шахсий фазилатларнинг уйғунлаштирилиши ҳолати ва уларнинг бўлажак фаолиятга нисбатан лаёқатлилик даражаси идентиклиги иш берувчилар, ўқитувчилар ва талабалар эҳтиёжларига мувофиқ касбий ва шахсий компетенцияларни реал намоён бўлиш барқарорлигини эмпирик асослаш орқали аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

бўлғуси доришунос ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги касбий ва шахсий масалаларини ўрганишга қаратилган «Ижтимоий ривожланиш ва ўқув жараёни» номли социологик тадқиқот дастури ва сўровномаси ишлаб чиқилган;

фармацевтик олийгоҳларда талабаларнинг шахсий фазилатлар билан касбий кўникмаларни шакллантириш жараёнини уйғунлаштириш

самарадорлигини оширишга имкон берадиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

пандемия COVID-19 даврида масафавий таълимда қўллашга қаратилган социология фанидан электрон дарслик(№DGU 04318) яратилган;

социологик тадқиқот натижаларидан «Маънавий ҳаёт социологияси» ва «Социология» номли ўқув-услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиша фойдаланилган;

иш берувчилар, ўқитувчилар ва талабалар(ўзини ўзи баҳолаш) томонидан амалиётчиларнинг касбий ва шахсий компетенциясини 10 баллик шкалада баҳолаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, ўтказилган социологик сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўров шаклларига асослангани, хulosи, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ундаги назарий хulosалар ва тавсияларидан мамлакатимиздаги ходимлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш орқали натижадорликка эришиш, социологик тадқиқот натижаларидан фойдаланиб, кадрлар салоҳияти хусусида илмий асосланган хulosалар ишлаб чиқиш ва шу асосида ходимлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш имкониятининг кенгайтириши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган ғоялар социология соҳасида ўтказиладиган тадқиқотларда ҳамда олий таълим муассасаларида «Социология», «Тиббиёт социологияси», «Ташкилотлар социологияси», «Таълим социологияси», «Ёшлилар социологияси» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлаш ҳамда ўқув жараёнига татбиқ этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Талабаларнинг шахсий фазилатлари билан касбий қўнималарини шакллантириш жараёнидаги уйғунлиги» мавзусидаги тадқиқот давомида олинган илмий натижалар асосида:

таълим тизимида мутахассисларнинг шахсий фазилатлари билан касбий қўнималарини уйғунлаштириш жараёнида талабаларнинг ментал ва этномаданий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда дифференциаллашган гурухларга бўлинган ҳолда шакллантиришининг афзалликлари тавсиясидан «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик маркази томонидан 2018 йилда «Ўзбекистон ёшлиари: ҳаётий қадриятлари, маънавият, маданият» ҳамда «Ижтимоий ривожланиш ва ўқув жараёни» мавзусидаги таълим сифатини аниклашга ва ривожлантиришга қаратилган сўровноманинг

модификациялаштирилган ижтимоий шаклини такомиллаштиришда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2019 йил 5 мартдаги 01-16/84-2-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак мутахассисларининг шахсий фазилатлар билан касбий кўнікмаларини шакллантириш жараёнида социологик таҳлил натижаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

бўлажак касб эгаларида шахсий фазилатлар билан касбий кўнікмаларни шакллантиришда компетенциявий ёндашув орқали маҳсус ва электив курслар (фармацевтик социология, фармакопсихология, фармацевтик этика, тиббиёт социологияси)ни мақсадли таълим тизимида идентификациялаш йўллари ишлаб чиқилганинига оид тавсиясидан Ўзбекистон миллий университети 5210100 – «Социология» йўналишидаги ўкув режасига «Тиббиёт социологияси» фани, Тошкент фармацевтика институтиning 5310901 – «Метрология, стандартлаштириш ва бошқарув сифати» йўналишининг ўкув режасига «Фармацевтик социологияси» фани киритилди (Олий ва урта таълим вазирлигининг 2019 йил 12 июлдаги 9-03-2761-сон маълумотномаси). Натижада, фармацевтика олий таълим муассасаларида социология фанини касбий соҳага йўналтириб ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

мехнат бозори талаблари асосидаги замонавий талабларга жавоб берадиган рақобатбардош фармацевтик ходимлар тайёрлаш самарадорлигини оширишнинг социологик имкониятлари (мақсадни белгилаш, мотивациялаш, ижтимоий фаоллик, саломатлик, соғлом турмуш тарзи, ахоли саломатлигини муҳофаза қилишга интилиш) аниқланганлигида доир тавсиялардан ПЗ-20170930396. «Глобаллашув шароитида жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнидаги маънавий-ахлоқий қадриятлар ривожини тадқиқ қилишга доир янги авлод илмий-фалсафий адабиётларни яратиш» (2016-2018 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 7 октябрдаги 02/09 1350-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг маънавий фазилатларини (компетенциялари) касбий мобиллашувини таъминлашга эришилган;

талабаларда касбий ва шахсий фазилатларнинг уйғунлаштирилиши ҳолати ва уларнинг бўлажак фаолиятга нисбатан лаёқатлилик даражаси идентиклигини аниқлаштириш, иш берувчилар, ўқитувчилар ва талабалар эҳтиёжларига мувофиқ касбий ва шахсий компетенцияларни реал намоён бўлиш барқарорлигини эмпирик асослашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Ижтимоий тараққиёт ва таълим жараёни” эмпирик социологик тадқиқот дастурини ишлаб чиқишида фойдаланилган («Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2019 йил 5 мартдаги 01-16/84-1-сон маълумотномаси). Натижада, олий фармацевтик таълим соҳасига компетенциявий ёндашувни жорий этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий (3 та халқаро ва 9 та республика)

конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек обьекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганини, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг «**Талабалар билим ва кўникмаларини шакллантириш жараёнидаги уйғунликнинг назарий методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида бўлгуси мутахассисларда касбий кўникмаларни шакллантириш жараёнини назарий-методологик ўрганишнинг мазмун ва моҳияти, Шарқ мутафаккирларининг ёшларда шахсий фазилатлар билан касбий кўникмаларни шакллантириш масалалардаги ёндашуви, бўлгуси фармацевтларда профессионалликни шакллантиришда шахсий фазилатлар ва касбий кўникмаларнинг ўрни ёритиб берилган.

Мазкур бобда муаммони илмий жиҳатдан чукур ўрганиб, айнан мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб борган олимларнинг тадқиқотлари комплекс таҳлил қилинган. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларнинг баркамол авлодни тарбиялашда, шахсий фазилатларини шакллантириш ва такомиллаштириш борасидаги қарашлари ўрганилган. «Уйғунлаштириш», «шахс», «фаолият», «касб», «провизор», «фармацевт» ва «компетенция» тушунчаларининг терминологик ва контент таҳлили амалга оширилган. Тадқиқот мавзусига оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, талаба-ёшларнинг қасбга доир билимларини бойитиш ва уларда шу қасбни ўзлаштириш, меҳр қўйишда шахсий фазилатларнинг ўрни ва ролини ошириш масалалари жаҳон миқёсида турли фанлар йўналишларида ўрганилган бўлса ҳам, бироқ уларда тизимли асосда шахсий фазилат ва қасбий кўникма уйғун холда комплекс тарзда ўрганилмаган.

Уйғунлик (юнонча сўз бўлиб, «harmonia», яъни қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги ва мутаносиблиги) – бу коинотни (умуман ва унинг қисмлари) ва

шахсни чукур ички тартиб нуқтаи назаридан тушунишга қаратилган маданий мухит, деб изоҳланган фалсафий лугатларда³. «Уйғунлаштириш» атамаси қатор соҳаларда кўлланилган, жумладан, тана ва руҳнинг уйғунлиги, товушлар уйғунлиги, қонунлар уйғунлиги, соҳалар уйғунлашиши, махсулотларнинг уйғун номенклатураси ва бошқаларда намаён бўлади. Диссертант тадқиқот обьектидан ва ўрганилган адабиётлардан келиб чиқиб ушбу тушунчага қуидаги социологик таърифни берган: «уйғунлаштириш – таълим жараёнида бўлғуси доришунос ходимларни тайёрлаш ва қайта таёrlаш орқали касбга доир билим ва кўникмаларни ўзлаштириши, уларнинг шахсий фазилатларини ривожлантириш жараёнида эса турли мутахассислик ва ижтимоий-гуманитар фанлардан олинувчи кўникмаларнинг том маънодаги инсоний ёндашув негизида шакллантирилишини ифода этади».

Шу билан биргаликда ушбу бобда бўлғуси доришунослар учун зарур бўлган шахсий ва касбий фазилатлар тизими аниқланган ҳамда таълимтарбия жараёнида талабаларда маънавий, маърифий, маданий ва илмий қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик имкониятлари, зарурияти ва истиқболи асослаб берилган. Хусусан, таълим тизимида мутахассисларнинг шахсий фазилатлари билан касбий кўникмаларини уйғунлаштириш жараёнида талабаларнинг ментал ва этномаданий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда дифференциаллашган гурухларга бўлинган ҳолда шакллантиришнинг афзалликлари асосланган.

Диссертациянинг **«Фармацевт ходимларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш хусусиятлари»** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда замонавий фармацевт ходимларни тайёрлаш ҳолати ва бўлажак мутахассисларнинг шахсий фазилатлари билан касбий кўникмаларини шакллантириш жараёнини уйғунлаштириш борасидаги миллий ва жаҳон тажрибаси қиёсий ўрганилган.

Социологик таҳлил натижасига кўра, ҳозирда аксарият талабалар замонавий меҳнат бозори талаблари, маркетинг қонуниятларини теран англамаган ҳолда ҳаётга кириб келмоқдалар. Зеро, бугунги кунда талабанинг дунёқарашини кенгайтириш, чет тиллари ва давлат тилини чукур билиш, махсус билимларга эга бўлиш давр талабига айланди.

Масъулиятлилик, одоб-ахлоқ, жамоада ишлаш, ўз нуқтаи назарини бошқаларга уқтириш, муаммоли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш каби шахсий фазилатларни бўлғуси мутахассисларда ривожлантириш лозим. Бунда машғулотлар пайтида олинган касбий билим ва кўникмалар бўлажак мутахассис учун эртанги меҳнат бозорида рақобатбардош ходим эканлигига имкониятдир. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун манфаатдор томонлар, хусусан, олий таълим, дорихона, фармацевтика саноати таълим беришда ижтимоий шерикка айланиши зарур.

³ Новейший философский словарь. 2-е изд. -М.:Книжный Дом, 2001.-1280с.


Фармацевтик ташкилотлар деярли бутунлай иқтисодиётнинг хусусий секторида жойлашган бўлиб, олий таълим муассасаларидағи амалиётни ташкил этиш жиддий ташкилий мураккабликларга учради. Натижада кўпгина фармацевтик корхоналар томонидан ҳамкорлик қилишни рад этишга дуч келмоқда. Ҳозирда ушбу масала бўйича вазият босқичма-босқич ўзгариб, кўплаб дорихона ва фармацевтик ташкилотлар доришунос ходимларни тайёрлашда иштироки афзаллигини тушунишмоқда. Шу билан бирга улар нафақат битирувчининг касбий кўникмаларини шакллантириш, балки меҳнат тақсимоти учун уларни танлаб олиш имкониятига ҳам эга. Соҳада ҳанузгача мавжуд бўлган ходимлар етишмовчилиги шароитида ушбу ижтимоий шериклик иш берувчиларга муайян имтиёзлар беради. Бундай ўзаро ижтимоий шериклик қўшимча равишда олий таълимга иш берувчи фармацевтик корхоналар томонидан таълим дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали соҳадаги ислоҳатларга ўз вақтида мослашиш имконини беради. Мажбурий ва электив фанларнинг ишчи дастурларини мувофиқлаштиришга эришилади. Шунингдек, хориж тажрибаларини ўрганиш натижасида аниқландики, кўпгина олий таълим муассасаларида ўқитишининг ишлаб чиқариш фаолияти билан уйғунлашувини таъминлайдиган дуал (dual) таълим тизими жорий этилмоқда. Энг оммабоп ва энг яхши натижаларни кўрсатадиган Германиянинг дуал таълим тизимиdir. Германияда унда 25 foiz корхоналар қатнашади. Ўқитишининг икки томонлама шакли туфайли талаба нафақат касб-хунар таълими тўғрисидаги дипломни олади, балки корхонада узоқ муддатли пуллик амалиётни ўтайди. Ўқиши тугатгандан сўнг талabalар кафолатланган иш жойларига эга бўладилар. Юкори босқичда таълим оловчи талabalар дарс жараёнидан бўш вақтларида дорихоналарда ёрдамчи бўлиб, ҳамкорлик шартномалари тузилган ҳолда ишлаш имкониятига эга бўлган амалиётлар рағбатлантирила бошланди. Дуал таълим тизими иш берувчиларнинг касбий таълимда бевосита иштирок этишини назарда тутиб, корхона нафақат талаба амалиётида зарур шароит яратган ҳолда, уни кейинчалик иш билан таъминлаш орқали ўзига яхши маҳоратли ходимни тайёрлаб беради.

Маълумки, интеллектуал фаолият натижаларини тижоратлаштиришга ўтиш дори воситаларини ишлаб чиқариш ва технологик жараён соҳасидаги фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни амалга ошириш, шунингдек олинган натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этишни ҳам ўз ичига олади. Ушбу тенденциялар замонавий талбларга жавоб берадиган кимё, биология ва ахборот технологиялари соҳаларида етарли тушунча ва тасаввурга эга бўлган фармацевтлар ҳамда интеллектуал мулкни бошқариш соҳасидаги фанлараро кўникмаларга эга бўлган янги турдаги юкори малакали доришунос кадрлар тайёрлашни тақозо этади. Шунингдек фармацевтлар, янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш усулларини чуқур эгаллаган саноат соҳасидаги профессионал фаолиятнинг турли вазифаларини ҳал қилишга тайёр бўлган замонавий технология ва тадқиқот майдонларидаги жамоаларда мослаша олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Бундан ташқари, ривожланаётган ва янгидан ташкил этилаётган фармацевтика саноати технологияларидан фойдаланишга қодир бўлган ишчилар (технологлар, кимёгарлар, лаборантлар ва бошқалар) билан таъминлаш муаммолари янада кескинлашмоқда. Бироқ, фармацевтика саноатида касбий фаолиятнинг барқарор, замонавий кадрлар билан таъминлашнинг ҳам миқдор, ҳам сифат кўрсаткичига эришишда олиб борилаётган тадқиқотларнинг фанлараро характерига мос харакатланишига, шунингдек, касб-хунар таълими тизими, олий таълим муассасаларидағи мавжуд муаммоларни тезда ҳал қилишга имкон йўқ.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Европа иттифоқи ва бошқа қатор нуфузли халқаро нодавлат ташкилотлари фармацевтлар инсон саломатлигини сақлашда мухим ўринга эга эканлигига урғу беришмоқда. Дори воситаларини тақсимлаш ва тарқатиш, уларни рецептсиз сотиш, дориларни тавсия этишда гуманистик ёндашув ҳам мухим аҳамиятга эга. Чунки бир қанча сабабларга кўра, бемор шифокорга бормасдан ёки лаборатория текширувисиз, доришунос маслаҳатига таянган ҳолда дори воситасини истеъмол қиласди. Шунингдек, доришунослардан маркетинг манфаатларини кўзламай, энг аввало, ўзининг шахсий фазилатларига суюниб, bemorга инсонпарварлик нуқтаи назаридан вижданан ёндашиб, унга ғамхўрлик билан, бераётган маслаҳатларида жавобгарликни ҳис этиш тавсия этилади. Бу борада мамлакатимизнинг 4 та ҳудудида ўтказган анкета сўрови натижаларига кўра, соғлиғидан қониқмаган инсонларнинг 72 фоизи, соғлиғидан нолиб юрганлардан 30 фоизи фармацевт тавсияси асосида даволаниб, иш фаолиятида машғулликдан тўхташмаган.

Ўқитиши жараёнида юқори малакали мутахассис шахсини ривожлантиришнинг энг самарали воситаси бу компетенцияга асосланган ёндашув бўлиб, унинг доирасида ўкув жараёни талабаларда умумий таълим, маданий ва касбий қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган комплекс фаолият сифатида тушунилади (1-расм).



Фанлараро ёндашув схемаси асосида мутахасислик фанларнинг биринчи блокига кирувчи ижтимоий-гуманитар фанлар хамда ушбу ўрганилаётган

мавзуимизда фанлараро ёндашувнинг иккинчи турини белгиловчи кимёвий фанлар кесимида электив курслар яратилади.

Тадқиқот давомида бўлажак касб ғаларида шахсий фазилатлар билан касбий қўникмаларни шакллантиришда компетенциявий ёндашув орқали маҳсус ва электив курсларни (фармацевтик социология, тиббиёт социологияси) мақсадли таълим тизимида идентификациялаш йўллари ишлаб чиқилди. Ушбу тавсиялар асосида Ўзбекистон миллий университети 5210100 – «Социология» йўналишидаги ўқув режасига «Тиббиёт социологияси» фани, Тошкент фармацевтика институтининг 5310901 – «Метрология, стандартлаштириш ва бошқарув сифати» йўналишининг ўқув режасига «Фармацевтик социологияси» фани киритилди. Бу фанлар охирги икки ўқув йилида ўқув режаларда танлов фан асосида олиб борилмоқда. Натижада, фармацевтика олий таълим муассасаларида социология фанини касбий соҳага йўналтириб ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган

Олий таълимнинг модуль тизимидан самарали фойдаланиш бугунги кунда энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Модуль – бу таклиф қилинадиган дастур, касбий фазилатлар ва маълум бир қўникма ёки муайян соҳадаги тажриба ҳақидаги илғор билимларни ўз ичига олган маълумотлар блоки ҳисобланади. Талабалар учун модулли тизимга ўтишнинг бир неча қулийларни мавжуд экан. Бунда энг аввало, модуллар ҳам бошқа инновацион тизимлар каби самара берганидек, талабаларнинг нафақат касбий, балкий ижтимоий фаоллигини ҳам оширади. Қолаверса, фанни ривожлантириш учун катта имкониятлар юзага келади. Фармацевтика ва гуманитар фанларни ўқитишда модулли тизимдан фойдаланиш ҳар бир талабага ўз фикрини эркин билдиришга кучли туртки беради. Модуллар ва бошқа инновацион тизимлардан фойдаланишга кенг йўл очиб, талабаларни ижтимоий ва интеллектуал жиҳатдан фаоллигини оширади.

Шундай қилиб, ушбу бобда фармацевт ходимларни тайёрлашга доир илғор хорижий тажрибалар ўрганилган бўлиб, уларнинг энг мукамалларини миллий таълим тизимида қўллашга доир тавсиялар ишлаб чиқилган ва Ўзбекистонда фармацевтик ходимларни тайёрлаш жараёнларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари аниқланган.


Диссертациянинг «Бўлғуси мутахассисларда шахсий фазилатлар билан касбий қўникмаларни шакллантириш жараёнидаги уйғунлаштиришнинг социологик таҳлили» деб номланган учинчи бобида эмпирик тадқиқотлар мазмун ва натижалари баён этилган. Меҳнат бозори талаблари асосидаги замонавий талабларга жавоб берадиган рақобатбардош фармацевтик ходимлар тайёрлаш самарадорлигини оширишнинг социологик имкониятлари аниқланган. Иш берувчилар ёрдамида фармацевтик олийгоҳ битирувчиларда касбий қўникма ва шахсий фазилатларининг уйғунликда ривожлантиришда бозор талабига жавоб берадан ходим тайёрлаш зарурлиги аниқланди. Шунингдек, келгусида юқори сифат даражасидаги фармацевт кадрларни тайёрлаш узвийлигини таъминлаб бериш учун иш берувчи

корхоналар раҳбарлари билан биргаликда сўровнома учун тадқиқот дастури тузилган.

Сўровда йирик фармацевтик корхоналарнинг 162 нафар раҳбар ходимлари иштирок этган. Хусусан, бу «Neogalenpharm» МЧЖ, «Ўзбекистон-Буюк Британия» ҚҚ, «Remedy Group» МЧЖ, «Reka-Med Farm» МЧЖ, «Radiks» МЧЖ, «Jurabek Laboratories» МЧЖ, «Узхимфарм» АЖ, «Zamona Ra'no» МЧЖ, «Asel» МЧЖ, «Gerbofarm» ҲК, «Karmana Al-Aziz Avitsenna» МЧЖ, Namangan «Dori-Darmon» АЖ, «Muhammad Yusuf Orifjon» МЧЖ, «TOP VICTORY» МЧЖ, «Flora-Med» МЧЖ, «Agro Pharm Medical Lux» МЧЖ, «Dream Pharma Group» МЧЖ, «So'qoq gilosii» ҲФ, «Шифо» МЧЖ, ҚҚ «Nobel», «Uzgermed PHARM» ҚҚ, «Журабек» ҚҚ, «Nikafarm» ҚҚ, «Lanex trakt» ҚҚ, «Nikomed» ҚҚ, «Samsung Toshkent LTD ALBI PHARMA Gufic - Avicena» ҚҚ, «Новафарма плюс» ҚҚ, «Тимурмед фарм» ҚҚ, «Самарканд био экланд» ҚҚ каби корхоналар ва уларнинг филиаллари раҳбарлари шулар жумласидан.

Корхона бошқарувчиларига «Сизнингча, нима учун ҳозирги битиравчиларнинг билим ва кўнималари иш берувчи корхоналар талабига жавоб бермайди?» деган саволга респондентларнинг 23 %и назарий билимларнинг реал ҳаётдан узоқдалиги, 7%и ўқитувчиларнинг соҳа бўйича амалий билимларининг етишмаслиги, 6%и ўқув дастурларида амалий билимларнинг улуши камлиги, 25%и бўлғуси касб тўғрисида амалий билимларнинг камлиги, 9%и битиравчиларнинг бўлғуси касбга руҳий тайёр эмаслиги, 27%и ўқув жараёнида иш берувчи корхоналарнинг қатнашмаслиги ва 3%и эса бошқа фикрлар берган (2.-расм).

Сизнингча, нима учун ҳозирги битиравчиларнинг билим ва кўнималари иш берувчи корхоналар талабига жавоб бермайди?



2-расм. Олий таълим битиравчиларининг иш берувчи талабларига мос келмаслик сабаблари(иш берувчилар нигоҳида)

Ушбу сўров таҳлил натижасига кўра, олийгоҳларда таълим оловчи бўлғуси кадрларда назарий билимлар билан уйғун амалий машғулотларнинг

оқсаётгани, бити्रувчиларнинг бўлғуси касб тўғрисида амалий қўникмаларга эга эмаслиги ва корхона ходимларининг ўқув жараёнидаги улушки камлиги аниқланди. Бунда 9% битириувчилар корхонага келганида ушбу меҳнат жараёнини бошлаб олишида руҳий тайёр эмаслиги аниқланди.

Таълим жараёнида иш берувчи корхоналарнинг улушкини кенгайтириш лозим. Фақат шундай жараёнда бўлғуси доришуносларда келажақдаги меҳнат жараёни ҳақидаги реал билим тасаввур ва қобилиятлар шаклланади. Ҳар бир талаба амалиётни ўташ даврида сўровномада қатнашади, ҳудди шундай сўровномада иш берувчилар ва талабага назарий билим берган ўқитувчилар ҳам қатнашадилар. Яъни амалиётга келган талаба билим ва кўнимага қай даражада эгалигига ўзига-ўзи баҳо беради, уларни кузатиб турган иш берувчи ҳам амалиётчини баҳолайди, шу билан биргалида амалиёт ўташга келган талабасига ўқитувчи баҳо беради. Олинган натижалар келгуси ўқув режалари, тақвимий режалар мавзуларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга ундайди.

Социологик тадқиқотимизда амалиётнинг бошлангич кунларида иш берувчилар, ўқитувчилар ва талabalар (ўзига қўйган баҳоси) томонидан амалиётчиларнинг касбий ва шахсий компетенцияси 10 баллик шкалада баҳоланиши сўралди. Иш берувчилар, ўқитувчилар ва талabalар (ўзини ўзи баҳолаш) томонидан амалиётчиларнинг касбий ва шахсий компетенцияси 10 баллик шкалада баҳоланиш усули жадвалда берилган. Ушбу жадвал дастлабки амалиёт бошланган куннинг иккинчи кунида тўлдирилган. Ўтказилган тадқиқот натижалари асосида талabalarda касбий ва шахсий фазилатларнинг уйғунлаштирилиши холати ва уларнинг бўлажак фаолиятида лаёқатлилик даражасини аниқлашда иш берувчилар, ўқитувчилар ва талabalар орқали касбий ва шахсий компетенцияларни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган. Ушбу таснифга кўра талабанинг ўз-ўзига қўйлган баҳоси ҳамда талабага иш берувчилар ва ўқитувчилар томонидан амалиёт ўтувчиларнинг касбий ва шахсий компетенциясини амалиётнинг дастлабки кунларида қўйлган баҳоларини ҳавола этамиз (1.-жадвал).

Жадвалдаги натижаларидан ҳозирги кундаги амалиёт ўтайдиган талabalар иш берувчилар талабларига тўлиқ жавоб бера олмасликлари маълум бўлади. Шу билан биргаликда, битириувчининг ўз шахсий ва касбий фазилатларига берадиган баҳоси ҳам холис эмаслиги аниқланди. Айни вақтда ушбу баҳолашда таълим берувчи профессор-ўқитувчиларнинг талабага берган баҳолари ҳам иш берувчи томонидан қўйилган баҳолардан фарқ қиласди. Шу нарсага алоҳида эътибор бериш керакки, амалиёт ўтаб бўлингач ушбу усул асосида иш берувчи, профессор-ўқитувчи ва талабанинг ўзи амалиёт даврида олган билим ва қўникмалари бўйича қайта баҳоланади. Баҳоларнинг паст кўрсатгичлари таълим мобайнида ва кейинги амалиётда зарур билимлар ҳамда амалий қўникмалар берилиб такомиллаштирилиш лозимлиги билан аниқланди.

1.- жадвал

**Иш берувчилар, ўқитувчилар ва талабалар (ўзини ўзи баҳолаш)
томонидан амалиётчиларнинг касбий ва шахсий компетенцияси 10
баллик шкалада баҳоланиш усули**

№	Компетенциялар	Талаба баҳоси	Ўқитувчи баҳоси	Иш берувчи баҳоси
Касбий фазилатлар				
1	Мутахассиснинг умумий дунёқараши	7	4	3
2	Мутахассислик билимлари	5	4	2
3	Амалий кўниммалари	5	4	1
4	Инглиз тилини билиш даражаси	4	3	1
5	АҚТ билиш даражаси	7	6	5
6	Таҳлил қилиш қобилияти	7	5	2
7	Анализ ва синтез қила олишиши, топқирлиги	6	4	1
8	Махсулотни сотишда харидорлар топа билиш қобилияти	6	4	1
9	Оғир вазиятда муаммони еча билиш қобилияти	6	3	1
10	Лойиҳаларни бошқариш қобилияти	5	4	1
11	Мустақил қарор чиқариш қобилияти	6	3	1
12	Вербал коммуникация қобилияти (муомала, нутқ сўзлаши)	6	4	3
13	Ёзма коммуникация қобилияти	6	3	2
Шахсий фазилатлар				
14	Она тили, маданияти ва турмуш тарзини билиши	8	6	4
15	Вазифани сидқидил бажариши	9	7	5
16	Жавобгарлик ҳисси	8	5	3
17	Интизомлилиги	8	6	5
18	Жамоада ишлаш қобилияти	8	6	5
19	Шахсий вақтини режалаштира олиши	8	6	4
20	Билимларини янгилашга интилиши	8	6	4
21	Касбий ва шахсий фазилатларни ривожланиш қобилияти	8	6	4
22	Ўз фикрини бошқаларга сингдира олиши	8	6	5
23	Натижавийликка интилиш	9	6	5
24	Бирламчи ва иккиламчи ишларни ажратса билиши	7	5	2

